

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ҲАМДАМОВА МАҲЗУНА ТУРСУНОВНА

**МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТИ РАҲБАРНИНГ БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Хамдамова Махзуна Турсуновна

Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг
бошқарув компетенциясини ривожлантириш механизмларини
такомиллаштириш..... 3

Хамдамова Махзуна Турсуновна

Совершенствование механизмов развития управленческой
компетентности руководителей дошкольных образовательных
учреждений в процессе повышения квалификации..... 25

Khamdamova Mahzuna Tursunovna

Improvement of mechanisms of development of management competence of
the directors of preschool educational organization in the process of
training..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ҲАМДАМОВА МАҲЗУНА ТУРСУНОВНА

**МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТИ РАҲБАРНИНГ БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори PhD диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.Phd/Ped1731 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.mdomoi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуназарова Наргиза Фатхуллаевна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Исмадияров Яшин Уткурович
педагогика фанлари доктори, доцент

Мирсолиева Муҳаббат Тўхтасиновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент шаҳридаги Пучон университети

Диссертация ҳимояси Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871)150-01-27; E-xat: mtm-malaka.oshirish@exat.uz).

Диссертация билан Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент шаҳри Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871) 150-01-27; E-xat: mtm-malaka.oshirish@exat.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “_____” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Қ.Т.Олимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Д.О.Химматалиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.д., доцент.

Н.Х.Раҳмонкулова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда олиб борилаётган глобал ўзгаришлар кадрлар тайёрлаш тизимини компетенциявий талаблар асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Европа Кенгашининг Берндаги “Европа учун таянч компетенциялар” (Key competencies for Europe) халқаро симпозиумида таълим олувчиларнинг “аниқ вазиятларда мулоқот ва ёзма кўникмалардан самарали фойдаланиш” ва “катта ҳажмдаги ахборотларга танқидий ишлов бериш ва янги ахборотлар муҳитини ривожлантириш” каби муҳим компетенциялар гуруҳи қабул қилинган. Айтилган вақтда замонавий сифат менежменти таълимлари асосида корпоратив таълим ва коучинг хизматларини кенгайтириш, кадрлар инновацион фаоллигини оширишнинг интеллектуал ахборот тизимларини яратиш, Форсайт методологияси асосида замонавий касбий компетенциялар тизимини прогнозлаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунинг учун раҳбарларнинг бошқарув компетенциясини ривожлантириш борасидаги муаммоларга амалий ечим топиш долзарблигича қолмоқда.

Бугунги кунда халқаро илғор тажрибаларга асосан, Англия, АҚШ, Германия, Финляндия, Сингапур, Япония каби давлатларнинг мактабгача таълим тизимида малака ошириш жараёнини компетенциявий ёндашув асосида лойиҳалашни амалга оширишнинг илмий асосланган методик тизимини яратиш борасида салмоқли амалий натижаларга эришилган. Шунга кўра, рақобатбардош, малакали, ташаббускор ва лидерлик кўникмаларига эга бўлган мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларини малака ошириш тизимида эгаллаган назарий билимларини бошқарув амалиётида қўллай олиш кўникмаларини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан мактабгача таълим мутахассисларини бошқарув фаолиятига тайёрлашда ҳамда уларда раҳбарликнинг ўзига хос жиҳатларини ривожлантириш учун бошқарув компетенциясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида, жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш”¹ каби йўналишлар белгиланган. Бу ўз навбатида, мактабгача таълим тизимининг интеграллашган мазмунига замонавий ёндашувларни сингдириш, мутахассисларни малака ошириш жараёнида бошқарув компетенцияларини ривожлантириш, мактабгача таълим

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. Тошкент, 2017. – Б. 39. www.lex.uz

ташкilotлари билан худудий ҳамда хорижий мактабгача таълим тизимининг малака ошириш ташкilotлари ўртасида узлуксиз ҳамкорликни кучайтиришни устувор принциплар асосида ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ-595-сон Қонуни, 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон фармонлари; 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон, 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3261-сон, 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сон, 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги 391-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мос ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Малака ошириш жараёнида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, таълим жараёнларини ахборотлаштириш, компетенция, касбий компетентлик, жумладан, мактабгача таълим ташкilotи раҳбарининг бошқарув компетенцияларини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари юртимиз олимлари Ф.Р.Қодирова, Р.Х.Джураев, Н.Н.Азизходжаева, У.Ш.Бегимқулов, А.Х.Махмудов, Қ.Т.Олимов, Ф.М.Закирова, Б.Б.Маъмуров, Г.А.Асилова, Ю.М.Асадов, Н.А.Муслимов, Н.Ф.Абдуназарова, К.М.Тўхтасинов, Е.Тонконогая каби педагог ва файласуф олимлар томонидан ўрганилган.

Шунингдек, У.И.Иноятов, С.Т.Турғунов, М.А.Юлдашев, Я.У.Исмадияров, М.Т.Мирсолиеваларнинг илмий тадқиқот ишларида таълим муассасаларини бошқаруви йўналишида кадрларни тайёрлаш, инновацион-менежментни шакллантириш, таълим сифати менежментини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Раҳбарларнинг бошқарув компетенциясини такомиллаштириш методологияси шунингдек, педагогик-психологик жиҳатлари, андрогогик

тамойиллари ва технологиялари, касбий ўзини-ўзи такомиллаштиришнинг концептуал масалалари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) олимларидан Н.В.Васина, А.А.Вербицкий, В.Ю.Кричевский, Е.И.Исаев, И.Зимняя, С.А.Езопова, Е.Кудрявцева, Д.А.Новикова, В.Сластенин, хорижий олимлардан M.Schmitger, G.Yuk, E.S.Simbirsk, Yu.B.Suvorova, E.Rogers, A.Maslow, W.Hutmacher, F.Herzberg, M.Glozier, D.Bartramлар томонидан ўрганилган.

Назарий ва амалий манбалар тахлили шуни кўрсатадики, малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг бошқарув компетенциясини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш ва уни илмий асослаш ҳамда махсус тадқиқ этиш заруратининг сақланиб қолаётганлиги, бу йўналишда чуқур илмий-амалий ёндашувлар, янги билим, малака ва кўникмаларга бўлган эҳтиёж юзага келганлиги тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2014-0925162601-рақамли “Малака ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ахборот хизматини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш” (2015-2017 йй) амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг бошқарув компетенциясини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг бошқарув компетенциясини ривожлантиришга доир методологик ёндашувлар, таомойиллар ва етакчи омилларни аниқлаштириш;

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг бошқарув фаолиятига бўлган қобилиятини шакллантиришга алоҳида таъсир кўрсатадиган методик тизим моделини ишлаб чиқиш;

мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион-интерактив технологияларига асосланган дидактик механизмларни такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш;

мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг малакасини ошириш жараёни мазмунини ривожлантириш механизмининг компетенциявий ёндашувлар ва малака талаблари асосида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг бошқарув компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган малака ошириш жараёни белгилаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети: малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг бошқарув компетенциясини ривожлантиришнинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид илмий манбалар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, ижтимоий сўров, мутахассислар фаолиятининг қиёсий таҳлили, педагогик прогностика ва ташҳислаш, синтез, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари директорларининг бошқарув компетенцияларини ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик механизмлари лойиҳавий таълим, аралаш ўқитиш, тьюторлик хизмати ва инновацион-интерактив технологияларга асосланган вариатив ахборот-методик таъминотни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

таълим сифатини мақсадли бошқаришда меъёрий-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда “Бошқарув психологияси”, “Мактабгача таълимда инновацион менежмент”, “Кадрларни ривожлантириш” ўқув курслари ва “Мактабгача таълим ташкилотларида педагогик фаолиятнинг назарияси ва амалиёти” танлов ўқув фанлари мазмунини интеграциялаш асосида мактабгача таълим ташкилотлари директорларининг бошқарув компетенциясини ривожлантириш жараёни такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилотлари директорларининг бошқарув компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган малака ошириш жараёни модели мазмунли, мотивацион-мақсадли, методологик ва технологик ёндашувлар асосида такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилоти директорининг бошқарув компетенцияларини ривожлантиришнинг импакт мониторинг тизими, таълим дастурларини табақалаштириш ҳамда таълим мазмунини бойитиш мақсадида муқобил малака ошириш курслари ташкил этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг малака ошириш жараёнида ҳуқуқий компетенцияларини шакллантиришга доир амалий таклиф ва тавсиялар асосида “Мактабгача таълим ташкилотида меҳнат қонунчилиги ҳужжатлари билан ишлаш” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ва модул сифатида мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг малакасини ошириш ўқув курслари намунавий ўқув режасига киритилган;

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг бошқарув компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, дидактик тизими ва модели такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг бошқарув компетентлигини ривожлантириш ва ривожланганлик даражасини ташҳислаш методикалари ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг бошқарувчанлик, лидерлик, яратувчанлик, конструкторлик тадқиқотчилик каби касбий компетенцияларини шакллантиришга қаратилган дидактик маҳсулотлар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик таҳлиliga асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълимнинг муаммолилиқ, интегративлик ва амалий-йўналганлик талабларига жавоб берадиган бошқарув компетенциясининг функционал-тузилмавий компонентлари мазмуни ва компетентлик даражаларини баҳолаш мезонларидан раҳбарларни бошқарув фаолиятига самарали тайёрлашнинг назарий методологик ва амалий методик асосларини бойитишда фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан малака ошириш тизими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишда, мактабгача таълим тизимида ноанъанавий усулда машғулотларни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган методик тавсиялардан эса ўқув режа, фан дастурлари ҳамда малака талабларини такомиллаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг бошқарув компетенциясини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот иши натижалари асосида:

мактабгача таълим ташкилоти директорларининг малака ошириш жараёнида ҳуқуқий компетенцияларини шакллантиришга доир амалий таклиф ва тавсиялар асосида “Мактабгача таълим ташкилотида меҳнат қонунчилиги хужжатлари билан ишлаш” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ва модул сифатида мактабгача таълим ташкилоти директорларининг малакасини ошириш ўқув курслари намунавий ўқув режасига киритилган ҳамда амалиётга Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 1 декабрдаги 02-02/2-1452-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ташкилотлари директорларининг бошқарув компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган малака ошириш жараёни модели мазмунли, мотивацион-мақсадли, методологик ва технологик ёндашувлар асосида такомиллаштирилган;

мактабгача таълим ташкилоти директорларида бошқарув компетенциясини ривожлантириш кўрсаткичлари ва таркибий тузилишининг шахсий ҳамда касбий фаолияти сифатида бошқарув компетенциясининг психологик-педагогик хусусиятларини аниқлаштиришга доир таклифлар (Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 12 декабрдаги 216-сонли буйруғи билан тасдиқланган) мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг малака ошириш курси ўқув дастурлари мазмунини такомиллаштиришда

ф
о
й
д
а
л

ташкilotлари директорларининг бошқарув компетенцияларини ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик механизмлари лойиҳавий таълим, аралаш ўқитиш, тьюторлик хизмати ва инновацион-интерактив технологияларга асосланган вариатив ахборот-методик таъминотни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти директорининг бошқарув компетенцияларини ривожлантиришнинг услубий-дидактик таъминоти ҳамда педагогик шарт-шароитларини тадбиқ қилишга доир таклифлардан ПЗ-20170927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” амалий тадқиқот лойиҳасини Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 1 декабрдаги 02-02/2-1452-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ташкилоти директорининг бошқарув компетенцияларини ривожлантиришнинг импакт мониторинг тизими, таълим дастурларини табақалаштириш ҳамда таълим мазмунини бойитиш мақсадида муқобил малака ошириш курслари ташкил этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 2 та ўқув қўлланма, 12 та мақола, ОАК томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та хорижий ҳамда республика илмий журналларида 4 та мақола нашр қилинган. Дастурий маҳсулот учун Интеллектуал мулк агентлигидан 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти, предмети аниқланган; фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган; илмий янгилиги, назарий ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган; илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг бошқарув компетенциясини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида тадқиқот муаммосига доир илмий-назарий адабиётларнинг қиёсий таҳлили асосида мактабгача таълим ташкилоти раҳбари бошқарув компетенциясини такомиллаштиришнинг илмий-педагогик асослари, компетенциявий ёндашувлари, таълимни модернизациялаш шароитида уларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантиришга қўйилаётган замонавий

талаблар таҳлил этилган ҳамда малака ошириш жараёнида раҳбарларнинг бошқарув компетенциясини такомиллаштиришга таъсир этувчи омилларнинг фаолият талаблари билан ўзаро интегратив алоқадорлиги ёритилган. Шунингдек, шахснинг бошқарув компетенциясини ривожлантириш борасида жаҳон тажрибалари таҳлил қилинган.

Бошқарув фаолияти деганда, мактабгача таълимни ривожлантиришга ва мутахассис шахсини ижодий ўз-ўзини англашга қаратилган ташкилий, лойиҳалаш, прогнозлаш, мувофиқлаштириш ва бошқариш функцияларида намоён бўладиган таълим субъектлари фаолиятини тизимли ва ижодий тартибга солиш жараёни тушунилади. Тадқиқотда келтирилган бошқарув ва бошқарув фаолияти тушунчаларини аниқлашга турли ёндашувлар таҳлили мутахассиснинг бошқарув компетентлигининг моҳиятини тушуниш учун асос бўлиб, унинг таркиби ва тузилиши бошқарувнинг феноменологик хусусиятларига мос келади. Бошқарув фаолиятига доир масалалар хорижий ва маҳаллий олимлар илмий тадқиқотлари асосида ўрганиб чиқилди. Бошқарув назарияси ва амалиёти ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик, ишонч, жавобгарлик, компетентлик, тескари алоқалар, ўзини ўзи ривожлантириш тамойилларида тўлиқ акс этди. Ушбу тамойиллар педагогик менежмент, таълим муассасаларини бошқариш назарияси ва амалиёти, шу жумладан мактабгача таълим тизимида муаммоларни ҳал этиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Мактабгача таълим ташкилотини бошқариш механизмида иккита элемент ўзаро таъсир қилади: бошқариладиган тизим (бошқарув объекти) ва бошқариш тизими (бошқарув субъекти). Бошқарув объекти: мактабгача таълим ташкилоти ва унинг таркибий бўлимлари; педагоглар таркиби; иқтисодий ресурслар; ўқув жараёни. Бошқарув субъекти ҳар қандай объектни бошқариш компетентлигига эга коллектив органи ёки бошқарувчи шахси (мактабгача таълим ташкилоти раҳбари; тарбиячи-методисти) бўлиши мумкин.

Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотининг компетентли раҳбари нафақат маълум бир махсус, касбий тайёргарликка эга бўлган шахс, балки жамоада ишлай оладиган, мустақил қарорлар қабул қила оладиган, ташаббус кўрсатадиган, инновацион маконда ишлай оладиган, малакали менежер бўлиши лозим. Шу муносабат билан мактабгача таълим ташкилоти раҳбари учун педагогик менежмент, назарий ва амалий фаолият соҳаларида махсус билим ва кўникмаларга эга бўлиш жуда муҳим эканлиги кўрсатиб ўтилди.

“Компетенция” атамаси латинча *competentia* – мувофиқлик, мутаносиблик демакдир. Чет эл сўзларининг луғатига кўра, компетенция, компетентлик доираси, билимга эга бўлган масалалар доираси сифатида қаралади. Луғатларда бу тушунча “Яхши тушунадиган масалалар соҳаси” ва бошқарув атамаларининг изоҳли луғатида мансабдор шахснинг шахсий имкониятлари, унинг маълум бир доирани такомиллаштиришда иштирок этишига имкон берадиган малака (билим, тажриба) деб тушунилади. Маълум билим, кўникмалар мавжудлиги сабабли, қарорлар қабул қилиш ёки ўзи учун қарор қабул қилиш.

Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг бошқарув компетенцияси – бу мактабгача таълим ташкилотларида раҳбарнинг бошқарув функцияларини

професионал равишда бажаришга тайёрлиги ва қобилиятини белгилаб берувчи, билимларни, қадриятларни, коммуникатив ва ташкилий-услубий фаолият таркибий қисмларининг йиғиндисиддаги ажралмас шахсий-касбий тавсиф бўлиб, бу бошқарув вазифаларини самарали олиб боришни таъминлайди.

Таҳлиллар асосида тадқиқотимизда бошқарув компетенцияларини белгилайдиган бир қатор умумий қоидаларни аниқладик. Булар: раҳбарнинг шахсий ва касбий фазилятлари билан белгиланадиган умумий тавсиф; интеллектуал, ҳиссий ва кучли иродали таълим, инсоннинг ҳаётий позицияси билан боғлиқ, инсонпарвар, демократик, шахсга йўналганлик; касбий фаолият, бошқарув назарияси ва амалиёти, кенг ижтимоий ва маданий фикрлар, фикрлашнинг мослашувчанлиги соҳасидаги фундаментал билимлар; жамоа билан ишлаш, конструктив шахслараро муносабатларни қуриш, мулоқот қобилиятига эга бўлиш малакаси; ҳаракатчан бўлиш, одатий ва одатий бўлмаган вазиятларда тез қарор қабул қилиш, янгиликка тайёргарлик.

Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг бошқарув компетенциясини ривожлантириш кўрсаткичларининг таркиби ва мазмунли хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг бошқарув компетенциясини ривожлантириш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Раҳбарнинг бошқарув компетенциясини ривожлантириш кўрсаткичларининг тавсифи
Когнитив компонент	
<p>- умумий ва педагогик менежментда бошқарув қонунлари ва тамойилларини билиш;</p> <p>- бошқарув фаолиятида юзага келадиган вазиятларни тушуниш, таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаси;</p>	<p>Бошқарув компетенциясининг когнитив компоненти қуйидагиларнинг мавжудлигини назарда тутди:</p> <p>билим:</p> <ul style="list-style-type: none"> - таълим соҳаси, ўқув жараёнининг мазмуни ҳақида; - ўқув жараёни субъекти сифатида шахс тўғрисида; - алоқа қонунлари, ўзаро таъсир, шахсни ва гуруҳни бошқариш усуллари; - мактабгача таълим ташкилотининг таркиби, шакллари ва усуллари тўғрисида; - бошқарув фаолиятининг асосий функциялари тўғрисида; <p>кўникмалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бошқарув фаолияти жараёнида юзага келадиган вазиятларни таҳлил қилиш, баҳолаш; - ўзини ўзи рефлексив таҳлил қилиш.
Қадриятли (қиймат) компоненти	
<p>- инсонпарварлик, демократик, шахсга йўналтирилган қиймат йўналишлари мавжудлиги;</p>	<p>Бошқарув компетенциясининг қиймат компоненти қуйидагиларни ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - шахсни энг юқори қадрият деб билиш; - инсонпарварликни касбий, шу жумладан бошқарув фаолиятини методологик асос сифатида тан олиш; - муносабатлар, фаолият, бошқарувнинг демократик услубига йўналтирилганлик; - таълим ташкилотини ривожлантириш самарадорлигини таъминлаш учун менежернинг касбий фаолиятини муҳимлигини

	тушуниш; - бошқарув фаолиятини ўзлаштириш учун ижобий мотивларнинг мавжудлиги.
Коммуникатив компонент	
- ривожланган коммуникатив қобилиятлари; - конструктив ҳамкорликка йўналганлик;	Бошқарув компетенциясининг коммуникатив компоненти қуйидагиларни ўз ичига олади; - коммуникатив кўникмалар, конструктив ўзаро таъсир қилиш кўникмаларининг мавжудлиги; - педагогик жараён қатнашчиларининг муносабатларини тартибга солиш, зиддиятли вазиятларни олдиндан билиш ва ҳал қилиш қобилиятининг ривожланганлиги; - мактабгача таълим ташкилотларида шахслараро муносабатларнинг ҳар бир иштирокчисининг шахсий хусусиятларига ҳурмат; - мактабгача таълим ташкилотларида бошқарув жараёнининг мақсадларига эришиш ва вазифаларни ҳал қилиш учун профессионал алоқанинг аҳамиятини тан олиш.
Ташкилий-фаолиятли компонент	
- башорат қилиш, режалаштириш, бошқарув фаолиятини ташкил этиш, назоратни амалга ошириш кўникмаси;	- таҳлил қилиш қобилияти: бошқарув жараёнининг ҳолати ва унинг етакчи йўналишлари (ўқув, услубий ва маъмурий фаолият ҳолати); - бошқарув жараёнида мақсадларни белгилаш ва вазифаларни шакллантириш қобилияти; - бошқарув фаолияти вазифаларини ҳал қилиш; - мактабгача таълим ташкилотлари иш режасига мувофиқ бошқарув фаолиятини тартибга солиш ва созлаш; - педагоглар ва ота-оналар билан турли хил бошқарув ва услубий ишларни ташкил этиш ва ўтказиш; - мактабгача таълимнинг педагогик жараёни ва педагоглар таркиби фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш; - ўз касбий фаолиятини такомиллаштириш ва касбий кўникмаларини ошириш, таҳлил қилиш.

Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида раҳбарларнинг узлуксиз касбий ривожланиши таълим ташкилоти фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий шarti ҳисобланади. Аммо раҳбарларнинг бошқарув маҳорати нимани англатиши ҳақида тушунчалар турли мамлакатларда турлича бўлгани каби, мазкур бошқарувни ривожлантириш механизмлари ҳам турличадир. Шу мақсадда Англия, АҚШ, Германия, Финляндия, Сингапур, Япония давлатларининг МТТ раҳбарлари малакасини ошириш тизими борасидаги тажрибалар таҳлил қилинди. Жаҳон тажрибалари таҳлили шуни кўрсатдики, мактабгача таълим ташкилоти раҳбари ҳар кун ўз устида ишлаши ва ўз касбий тайёргарлиги доирасида ўзлаштирган билимларини нотаниш вазиятларда қўллай олиши зарур.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг бошқарув компетенциясини такомиллаштириш”** деб номланган бўлиб, малака ошириш жараёнида раҳбарларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг андрагогик

таълим талабларига мувофиқлаштирилган ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш тузилмаси, мазмуни ҳамда амалиётга жорий этишнинг амалий-технологик тизими баён этилган, бошқарув компетентликни ривожлантиришнинг инновацион-интерактив технологияларга асосланган вариатив ахборот-методик таъминоти ишлаб чиқилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг бошқарув компетентлигини такомиллаштириш жараёнининг ташкилий жиҳатлари аниқланди. Хусусан:

-бошқарувни шакллантириш жараёнининг шахсий йўналишини кучайтириш, яъни раҳбарларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига таяниб, ўқув жараёнини фаоллаштирадиган танлов шароитларини яратиш; бу раҳбарнинг ўзи устида изланиши, ўз билимини такомиллаштириши кераклигини англади;

-фаолиятнинг янги турлари ва усулларини ишлаб чиқиш орқали касбий муаммоларни ҳал қилишга ўргатиш. Шу муносабат билан раҳбарларни нафақат илмий асослар ва бошқарув фаолиятини амалга оширишнинг турли усуллари билан таништириш, балки уларни лойиҳалаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва ўзини ўзи баҳолаш вазиятига тушириш муҳим саналади;

-шахсни ўз-ўзини такомиллаштиришга йўналтириш. Биз учун асосий талаб раҳбарларнинг таклиф этилаётган бошқарув вазифаларини ҳал қилишда мустақиллиги ва ижодкорлигини намоён қилиш учун шароит яратиш, шунингдек, ўзларининг ўсиши, ютуқларини кўриш имкониятини бериш саналади.

Компетентли ёндашувнинг назарий қоидаларидан келиб чиқадикки, малака ошириш жараёнида раҳбарларнинг бошқарув компетенцияларини такомиллаштиришда ўқитишнинг асосий қисми амалий вазифа (вазият) бўлиши, фаолиятни амалга ошириш усулларини ишлаб чиқиши, кўникмаларни шакллантириши ва менежментлик фаолиятида тажрибага эга бўлиши лозим. Аммо ушбу фаолиятни симуляция шаклларида фойдаланиш орқали ўқув жараёнида индивидуал ёки ўқув машғулотларининг бир қисми сифатида махсус моделлаштириш мумкин. Масалан: бошқарув амалиёти, ўзига хос ўйин кўринишдаги симуляцион амалий бошқарув ва хоказолар.

Раҳбар бошқарув компетентлигини шакллантириш жараёнида раҳбарлар фаолиятини амалий жиҳатдан йўналтириш, **таълим методлари** (ассесмент, кейс стади) ўйин симуляцияси (симуляция, бизнес, ролли ўйин)дан фойдаланган ҳолда тажрибалар ўтказишни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мактабгача таълим тизими инновацияси деб – мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия ва бошқаришнинг янги усулларини яратилиши, мактабгача таълим тизими фаолиятига тадбиқ этилиши, тизимни юритишда маркетинг ёки ташкилий усулларнинг жорий қилиниши, янги иш ўринларини ташкил этишни ёки ташқи алоқаларни ўрнатилишини ўзида мужассамлаштирган фаолиятнинг якуний натижаси сифатида тушунилади.

Инновацион менежмент қўйидаги функцияларни бажаради. Булар: Мактабгача таълим ташкилотида инновацион менежмент мақсадларини белгилаш, ижтимоий функция, ташкилий функция, мотивацияни бошқариш функцияси, молиявий ҳисоб ва назорат функциялари.

Инновацион менежментнинг қўйидаги усуллари мавжуд: инновацияларни режалаштиришни тартибга солиш, вазиятни таҳлил қилиш (вазиятни, ходимларни ва ҳоказо), режалаштириш, мослаштириш, низоларни бошқариш, креатив менежмент.

Мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларини бошқарув компетенциясини ривожлантириш концепцияси- юқорида қайд этилган ёндашувлар асосида, қўйидаги ҳолатлар кўринишида ишлаб чиқилди:

1. *Методик тизим таркиби* - блокли иерархик принцип асосида шаклланган бўлиши ва мақсадли мотивацион, мазмунли, технологик процессуал ва ташҳис қўйиш компонентларини ўзида жамлаши;

2. Малака ошириш жараёнида раҳбарларнинг бошқарув фаолиятига тайёргарлигини амалга оширишнинг методик тизими инновацион, компетентлик, фаолиятли, модулли ва табақалаштирилган ёндашувлар интеграцияси асосида қурилиши;

3. Малака ошириш жараёнида раҳбарларнинг бошқарув компетенцияларини шакллантиришда шакл, метод ва воситалар тизимини анъанавийлик билан бирга касбий ва ихтисослик фанлари таълими жараёнига ҳам методологик йўналтирилганлиги билан мос бўлиши;

4. Малака ошириш жараёнида раҳбарларнинг битирув лойиҳа ишлари, мустақил ишлари, илмий-тадқиқот ишлари, фан ва амалиётнинг муҳим муаммоларига мос келиши лозим.

Мазкур концепция асосида ишлаб чиқилган мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг малака ошириш жараёнида бошқарув компетенциясини такомиллаштириш модели: мотивацион-мақсадли, методологик ёндашувлар, технологик жараёнлар ва ташҳислаш компонентларидан иборат.

Моделнинг **мотивацион-мақсадли компоненти** – мақсадлар иерархиясини ўзида сақлайди, улардан энг асосийси раҳбарларнинг ўқув, илмий-амалий ва касбий компетенцияни шакллантиришдир.

Моделнинг **методологик компоненти** – компетентли, фаолиятли ва креативликни мужассамлаштирган ҳолда малака ошириш жараёнида фойдаланиладиган раҳбарлик бўйича тайёргарлик кўришга асосланган.

Моделнинг **мазмунли компоненти** – бошқарув психологиясига оид, раҳбарлик бўйича тайёргарлик блокларида ўрганиладиган бошқарув назарияси ҳамда узлуксизлик, узвийлик, изчиллик, таълимдаги тизимлилик каби дидактик тамойиллар асосида қурилган.

Моделнинг **технологик компоненти** – умумий тайргарлик фанлари блокидан “Бошқарув психологияси” ва раҳбарлик бўйича тайёргарлик фанлари блокидан “Мактабгача таълимда инновацион менежмент”, “Кадрларни такомиллаштириш”, танлов фанлар блокидан “Мактабгача таълимда сифат менежменти” фанларини ўқитишда муаммоли таълим технологияларидан,

амалий машғулотларида *кўрғазмали таълим методидан, мустақил таълимда лойиҳалаш, кластер ва тадқиқотчилик методларидан, битирув лойиҳа ишида Б/Б/Б таълим технологиясидан* фойдаланилди.

Таъхислаш компоненти – раҳбарларнинг билими ва бошқарув компетенциясини такомиллашганлик даражасини доимий мониторинг қилиш, ташҳис қўйиб боришни назарда тутади. Бунда баҳолаш таълим жараёнида бошқарув психологияси, мактабгача таълимда инновацион менежмент ҳамда раҳбар ривожланиши ўқув предметларининг ўзлаштириши натижасида бошқарув компетенциясини *репродуктив, қисман изланишли ва креатив* даражада ривожланганлигига кўра амалга оширилади.


Раҳбарлар асосан *учта мезон* орқали баҳоланди: **репродуктив** (эсда қолган нарсани тасвирлаш, тиклаш), **продуктив** (самарали ёндошув), **креатив** (ижодий ёндошув) (2-расм).

Тадқиқот доирасида мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантиришда андрагогик таълим талаблари асосида малака оширишнинг инновацион шаклларини белгилаш, таълим дастурларини эҳтиёжларга мослашувчанлигини таъминлаш, табақалаштириш, муқобил малака ошириш шаклларини жорий этиш ҳамда масофавий таълим технологияларига асосланган ўқитиш моделларини татбиқ этиш ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш имкониятини яратиши аниқланди.

Табақалаштирилган таълим дастурлари – мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг касбий ривожланиш стратегиялари мазмуни, шакл, метод ва воситаларини раҳбарларнинг индивидуал-касбий эҳтиёжлари, мавжуд бошқариш компетентлик даражасини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва ташкил этиш имконини беради.

Муқобил малака ошириш шакллари – мустақил малака ошириш шаклларида фойдаланиб, мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларнинг индивидуал касбий маҳорат натижалари тасдиғини амалдаги бевосита малака ошириш шаклларига тенглаштирилган шакли саналади. Бундай ёндашув катта ёшли таълим субъектининг когнитив фаоллигини рағбатлантириш ва натижадорлигини оширишга хизмат қилади.

Назарий таҳлиллار, онлайн сўровлар ва эмпирик ўрганишлар асосида шакллантирилган хулосалар ҳамда малака оширишга қўйиладиган давлат талабларига асосланган ҳолда тадқиқот жараёнида юқорида қайд этилган табақалаштирилган ёндашув асосида мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларини малака ошириш жараёнларини ташкил этишнинг ташкилий-дидактик тизими такомиллаштирилди.



2-расм. Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш модели

Раҳбарларнинг бошқарув фаолиятга тайёргарлик даражасини баҳолаш мезонлари уларнинг малака оширишда психологик тайёргарлиги, инновацион менежмент кўникмасининг шаклланганлиги, раҳбарлик бошқарув кўникмасининг ривожланганлиги шу билан бирга тадқиқотлар олиб бориши билан белгиланади.

Мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг бошқарув компетентлигини ривожлантириш муаммосини ҳал қилишда уларнинг касбий тайёргарлиги жараёнига компетенцияга асосланган ёндашувни очиб берадиган ғоялар ва назарий принципларга асосланди. Бошқарув қобилиятини белгилаб берувчи, билимларни, қадриятларни, коммуникатив ва ташкилий-услубий фаолият таркибий қисмларининг йиғиндисиддаги ажралмас шахсий-касбий тавсифлар, бу бошқарув вазифаларини самарали олиб боришни таъминлайди.

Диссертация ишининг **“Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг бошқарув компетенциясини такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобда педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларининг таҳлили каби маълумотлар келтирилган.

Тажриба-синов иши мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларини малака ошириш жараёнида бошқарув компетенциясини шаклантириш мақсадида умумий ва бошқарув бўйича тайёргарлик фанларини ўқитиш методикаси асосида Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида, Наманган вилояти мактабгача таълим бошқармасида, Бухоро вилоят мактабгача таълим бошқармасида ва Сирдарё вилояти мактабгача таълим бошқармаларида 2017-2018, 2018-2019, 2019-2020 ўқув йилларида олиб борилди.

Тажриба-синов тадқиқотлари қуйидаги: *қайд этувчи, изланувчи, таълим берувчи* босқичлардан ташкил топди.

Тажриба-синов ишлари давомида қуйидаги методлардан фойдаланилди: анкета сўровномасини (онлайн) ўтказиш, суҳбат (машғулотлар давомида) ўтказиш, мактабгача таълим раҳбарлари учун умумий ва бошқарув фан блокларидан тегишли предметларнинг намунавий ва ишчи ўқув дастурларини таҳлил қилиш, дарс жараёнини кузатиш ва таҳлил қилиш, курс иши ва битирув лойиҳа ишлари назоратини олиб бориш

Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг бошқарув компетенциясини такомиллаштиришда топшириқлар тизимини *қандай даражада ўзлаштириши ва бошқарув фаолиятида қўллай олиши* қуйида келтирилган *мезон ва кўрсаткичлар* ёрдамида амалга оширилди.

Бу мезонлар тажриба гуруҳида “Бошқарув психологияси”, “Мактабгача таълимда инновацион менежмент”, “Меҳнат қонунчилиги ҳужжатлари билан ишлаш” ўқув предметлари бўйича ўтказилган назорат ишларини баҳолашда ҳисобга олиниб, унинг бажарилишини таҳлил қилиш, аудитория ва

аудиториядан ташқари машғулотларда раҳбарларнинг бошқарув фаолиятига тайёргарлик ҳолати самарадорлигини аниқлаш имконини берди.

Мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг бошқарув фаолиятига тайёргарлик ҳолатини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари:

1. Креатив (юқори даража)- Бунда МТТ раҳбари бошқарувдаги муаммони ўзи аниқлайди, ўз фаолиятини ўзи ташкил қила олади. Бошқарув фаолиятини олиб бориш учун восита ва методларни танлай олади. Бошқарув фарази, мақсади, объекти ва предметини мустақил аниқлай олади. Бунда раҳбар олинган натижаларни такомиллаштириш мақсадида, ўз фаолиятини тўлиқ таҳлил қила олади.

2. Продуктив (ўрта даража)- Бунда МТТ раҳбари мавжуд намуна ва тўпланган тажрибага асосланиб, топшириқ бўйича ўз бошқарув фаолиятини қуриш кўникмасини намойиш этади. Мавжуд шароитга кўра, ўз бошқарув фаолиятини ташкил эта олади, фаразни шакллантиради, мақсадни аниқлайди ва методни танлай олади. Бу каби раҳбарлар бошқарув фаолиятини ва ўзини-ўзи мустақил равишда қисман таҳлил қила олади.

3. Репродуктив (паст даража)- Бунда МТТ раҳбари мавжуд намуна ва конструкцияга кўра топшириқлар бўйича бошқарув фаолиятини қуришни намойиш этади. Аммо, у бошқарув фаолиятини амалга ошириш ҳолатида эмас. Педагог ёрдамида фаразни шакллантириш, мақсадни аниқлаш ва методни танлай олади, лекин бошқарув объекти ва предметини мустақил аниқлаш ҳолатида эмас. Бундай раҳбар ўз бошқарув фаолиятини мустақил таҳлил қила олмайди.

